“ХОТИРА — АБАДИЙ, ХОТИРА — МАНГУ”



Уразбаев Исматулла Умматович хотирасига

Хотира ва қадрлаш – халқимизнинг асрий қадриятлари, улуғ фазилатларидан ҳисобланади. Аслида хотира ўзликни англаш, у орқали ўтмишни доимо ёдда тутиш, қалбда ўчмас хотира қолдириб кетган фазилатли инсонларнинг умр манзараларига назар солиш, ҳаёт сабоқлари орқали инсон ўзида яхши хислатларни тарбия қилишга ундовчи муқаддас туйғу ҳамдир. Элюрт равнақи, илм ва фан ривожи учун ўзида бор куч-билимни аямаган фидойи инсонлар ҳамиша халқимиз ардоғида. Барча соҳаларда бўлгани каби аграр соҳада ҳам фидокорона меҳнат қилган олимларимизнинг хотирасини ёд этиш, ана шундай ўзбекона азалий қадрият саналади.

Асли мукаррам қилиб яратилган ҳар бир замин фарзанди доимо ҳурмат-эҳтиромга лойиқ.

Зеро, умри давомида кўплаб хайрли ишларни бошидан тутган, ўзидан яхши ном қолдирган, халқнинг хизматида камарбаста бўлиб, фоний дунёдан риҳлат қилган аждодларимизни эслашимиз ва уларнинг ҳақларига дуолар қилиш ҳаммамизнинг инсоний бурчимиздир.

Самарқанд вилоятининг Ғаллаорол туманида туғилган Уразбаев Исматулла Умматович ана шундай инсонлардан бири эди. Бу йил ҳаёт бўлганларида 66 ёшни қарши олган бўлардилар, бешавқат ўлим эса уни барвақт орамиздан олиб кетди. Исматулла Уразбаев 1975 йилдан 1980 йилгача Самарқанд Давлат Университетининг биология факультетини муваффақиятли тугатиб, биология ихтисослигига эга бўлгач, дастлаб Ўзбекистон Фанлар академияси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институтида лаборант, катта лаборант, кейинчалик эса кичик илмий ходим, сиртқи бўлим аспиранти бўлиб фаолият олиб борди. Аграр соҳада 1987 йил номзодлик диссертациясини ёқлаб, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди бўлган Исматулла Уразбаев педагогик фаолиятини бошлаб, 1988 йилдан 1991 йилгача Сирдарё давлат педагогика инуститути Табиатшунослик факультети «Умумий биология» кафедраси ўқитувчиси, 1991 йилдан 1993 йилгача Гулистон давлат университети «Ботаника ва қишлоқ хўжалиги асослари» кафедраси катта ўқитувчиси, 1993 йилдан 1994 йилгача Гулистон давлат университети «Ботаника ва қишлоқ хўжалиги асослари» кафедраси мудири, 1994 йилдан 1996 йилгача Гулистон давлат университети Табиатшунослик факультет декани, 1999 йилдан 2010 йилгача Гулистон давлат университети “Қишлоқ хўжалиги асослари ва география” кафедраси мудири лавозимида ишлаган.

Исматулла Уразбаевнинг кўп йиллик олийгоҳдаги олиб борган самарали фаолияти ҳамда университетнинг режали ва жамоат ишларида фаоллиги боис ҳукуматимиз томонидан ёшларни тарбиялашда кўрсатган хизматлари учун 2000 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвони билан

тақдирланди.

2002 йилдан 2009 йилгача олим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Тест Маркази Сирдарё вилояти бўйича вакили, Гулистон давлат университети Табиатшунослик факультети «Касбий таълим» кафедраси доценти, 2011-2013 йилларда Тупроқшунослик ва агрокимё илмий- тадқиқот давлат институти катта илмий ходим стажёр-тадқиқотчиси, 2013-2018 йилларда Гулистон давлат университети «Тупроқшунослик» кафедраси доценти сифатида фаолият юритиб келган.

Ўз илмий иши доирасида тадқиқотларни олиб борган Исматулла Уразбаев 2017 йилда «Тупроқшунослик» ихтисослиги бўйича, «Суғориладиган бўз тупроқлар қоплами структураси ва уларнинг унумдорлигини баҳолаш» мавзусида биология фанлари доктори (DSc) диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Олим 2019-2023 йилларда эса Гулистон давлат университети «Тупроқшунослик» кафедраси профессори лавозимларда фаолият кўрсатган.

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги «Тупроқшунослик», «Агротупроқшунослик» ва “Агрокимё фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 рақамли илмий кенгаш ва Тошкент давлат аграр университети хузиридаги илмий даражалар берувчи (PhD.05/04.03.2022. QX.13.03 рақамли) илмий кенгаш аъзоси таркибида иштирок этган.

Исматулла Уразбаевнинг умри барҳаёт, чунки ҳаётининг мазмунига айланган устозлик мақоми барчага ибрат ва намуна бўлиб қолади. Олимнинг кўп йиллик машаққатли меҳнат фаолияти натижасида 4 та дарслик, 10 дан ортиқ ўқув қўлланма, 100 дан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирилган, бир қанча фан номзоди ва фан докторларига илмий раҳбар бўлган.

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти,
Гулистон давлат университети маъмурияти

ISSN 2181-0826 2/2023 y.